



MARG'ILON NAQ'IQAT'I



www.margilon.uz

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА*

2019 йил 19 июль, жума * 29 (20223)

* Газета 1931 йил 5 майдан чиқа бошлаган *



ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини қатъий ошириб бориш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни қучайтириш мақсадида:

1. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 барабар оширилсин.

2. 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – **ойига 223 000 сўм**;
ёшга доир пенсиялар – **ойига 436 150 сўм**;

болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа – **ойига 436 150 сўм**;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 267 650 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 августдан бошлаб:

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлиги пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг **50 фоизидан 75 фоизига** ошириладиган;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар – пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори энг кам иш ҳақининг **50 фоизидан 75 фоизига** ошириладиган;

боқувчисини йўқотганлик нафақаси миқдори меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари сонига амалдаги фойзалар нисбати сақланган ҳолда ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдоридан келиб чиқиб белгиланади.

4. 2019 йилнинг 1 августидан I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болаликдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг **25 фоизи** миқдорида қўшимча тўлов жорий қилинсин.

5. Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилаётган ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларининг мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишини таъминласин.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларининг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармаси ҳисобидан** амалга оширилсин.

Иш бевувчиларга иш ҳақи миқдорларини қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган ҳолда тўлашни таъминлаб, иш ҳақи миқдорларини энг кам иш ҳақига мувофиқ ошириш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5723-сон Фармонида мувофиқ 2019 йилнинг 1 сентябидан энг кам иш ҳақи миқ-

дори ўрнига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, базавий ҳисоблаш миқдори ва пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори киритилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-5723-сон Фармони 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги **"577 170"** рақами **"634 880"** рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги **"202 730"** рақами **"223 000"** рақами билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги **"202 730"** рақами **"223 000"** рақами билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-5553-сон Фармони унинг 4 ва 8-бандлари истисно қилинган ҳолда 2019 йилнинг 1 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 июль.

ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛ

Фарғона вилояти ҳоқими, 1-сектор раҳбари Шухрат Ғаниев томонидан Марғилон шаҳрида 1-Давлат ихтисослашган умумтаълим мактабида оммавий сайёр қабул ўтказилди.



Қабул Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 11 июлдаги 07-1620-сонли топшириқ хатига асосан ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган ва кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар кўриш, фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилиб, унда Марғилон, Фарғона ва Қувасой шаҳарлари, Тошлоқ, Фарғона, Қува туманларидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул жараёнида барча вилоят бошқарма ва

рилди, 63 та мурожаатлар бўйича амалдаги қонунларга кўра ўрганиб чиқиш учун қабулда иштирок этган вилоят бошқарма,

Гулнора ва бошқаларнинг "Ноконуний қурилиш тўғрисида"ги, Фарғона шаҳар Урмончилар кўчаси 43-уйда яшовчи Мўсиудинова Зулфиянинг "Иш билан таъминлаш ва тўлов шартномаси бўйича маблағни тўлаб беришга амалий ёрдам бериш тўғрисида"ги, Фарғона шаҳар Шодиёна кўчасида яшовчи Узақова Халиманинг "Иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, Тошлоқ тумани Турон кўчаси 50-уйда яшовчи Амридинов Абдулалининг "Фарзандини топишда амалий ёрдам бериш тўғрисида"ги, Марғилон шаҳар Б.Марғилоний кўчаси 294-уйда яшовчи Мусаев Аъзамнинг "Қурилиш материаллари билан таъминлашда ёрдам бериш тўғрисида"ги ва бошқа қатор мурожаатларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди.

Бундай тадбирлар фуқароларнинг розилигини таъминлаш ва аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



"Буюк ипак йўли" халқаро фольклор музика фестивали

Марғилон шаҳрида жуда катта тантана билан нишонланган "Буюк ипак йўли" халқаро фольклор музика фестивали ўз якунига етди. Эллари элларга, дилларни дилларга туташтириб қадрибад қадриятлар оғушида жўш урган байрам шодиёналарининг овози бутун дунёни тутгани рост.

қуҳ бахш этди. Тадбирнинг асосий тантаналари ўтказилиши кўзда тутилган "Ижодкорлар боғи" сахнига аста кириб борар экансиз, Юсуфжон қизик, Тамара-

маскандан бунёд этилган ўзбек миллий чолғу асбобларининг улкан тимсолларига термулиб толмайсиз. Гўёки уларга ҳозир жон бахш этиладию, ажиб куй-наволар жа-

Фестивал таассуротлари

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ОЛТИН САРЧАШМАСИ

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси бўлади. Замонлар ўтсада шу ибтидо туфайли мўъжизалар дунёга юз тутди. Марғилон сарзамини тарихини ёрақлаганда ҳам санъатнинг ана шундай ибтидоларига гувоҳ бўламиз. Зотан шу тупроқда камол топиб, дунё халқларига музикаий ҳайрат улашган Жўраҳон Султонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Уста Олим Комилов, Саодат Қобу-

лова, Юсуфжон қизик Шакаржонов сингари дарғалар камол топгани билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг ибратли йўли буғун ҳам муносиб равишда давом эттирилмоқда. "Буюк ипак йўли" халқаро фестивалига мезбонлик қилган қутлуғ манзил азиз меҳмонларни юксак ҳурмат билан қузатди. Уларнинг таассуротларини сизнинг эътиборингизга ҳавола этаёلمиз.

Абдуҳошим ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:



чиқади. Мухтарам Президентимиз санъатимиз келажagini уйлаб илгари сураётган ташаббуслар нафақат халқимиз, балки, фестивалда меҳмон бўлган хорижий санъатсеварлар учун ҳам юксак маънавий аҳамиятга эгадир.



Окада МИЧИАКИ,
иштирокчи: (Япония)



Саоунд АЛЛАН,
фольклоршунос: (Иордания)

гўзал байрамларнинг манتيқий давоми десак бўлади. Эътиборлиси, бундай байрамларнинг нуфузи ва унда иштирок этаётган меҳмонлар сони тобора ортиб бормоқда. Натижада биз сайёҳлар ўзбек халқининг самимийлиги,

уларнинг турмуш тарзи, буюк санъати, ўтмишдан хикоя қилувчи мезморий обидалари ҳақида кўпроқ тасаввурга эга бўляпмиз. Бундай байрамлар бардавом бўлишини истар эдик.

(Давоми 2-саҳифада).

ФЕСТИВАЛ ЯКУНИГА ЕТДИ



Эрта тонгданоқ шахримиздаги Туркистон кўчаси ҳамда Бурхониддин Марғилоний мажмуаси бўйлаб рамзий туялар карвони Эркин Воҳидов номидаги "Ижодкорлар боғи" томон йўл олди. Қадим Марғилон муҳитини эсла-

тиб турадиган нортуяларга эргашиб кўплаб қардош давлатларга кучоқ очган кўхна ва ҳамшира навқирон ипак шаҳри кўчаларида сайр этаётган юзлаб инсонларнинг кўзларида кўрк очган қувонч нурлари байрамга янада ўзгача шу-

хоним, Маъмуржон Узоқов каби юрт доверугини дунёга таратган марҳум устоз санъаткорларнинг сиймолари гавдаланган фотосуратлар жамланмасидан беихтиёр нигоҳларингизни ололмай қоласиз. Айниқса гўзал

ранги бутун олам бўйлаб баралла янграйди, халқнинг дарду қувончларини мужассам этган асрий фольклор санъатидаги сеҳр ва жозиба жаҳонни лол этади.

Фестивал том маънода санъатга ошuftа дилларни бирлаштирибгина қолмай, вилоятнинг туристик салоҳиятини юксалтириш, муқаддас қадамжоларни янада обод қилиш ва миллий санъатимизнинг қудратини дунёга тараннум этишда муҳим аҳамият касб этиши билан ажралиб туради.

Анжуманининг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азиз Абдуҳақимов номоддий маданий меросини асраб-авайлаш, хусусан, фольклор санъатини ривожлантириш ва кенг тарғиб қилишда фестивалнинг тулган ўрни ва аҳамиятини алоҳида эътироф этиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада).

